

ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК ТИЛ ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛУВЧИ ФАНДИР

Г.К.Алламбергенова – ассистент ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Б.К.Алламбергенова – ассистент ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

И.У.Сарсенбаева – ассистент ўқитувчи

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

С.Мадреймова – ўқитувчи

Кегайли тумани 55-сонли ихтисослаштирилган мактаб

Таянч сўзлар: лингвомаданият, тил бирликлари, маданият, тизим, тафаккур, синтез, ахборот, таркибий қисм, вербал, концепция, тимсол.

Ключевые слова: лингвокультурология, языковые единицы, культура, система, мышление, синтез, информация, компонент, вербальный, концепция.

Key words: linguoculturology, linguistic units, culture, system, thinking, synthesis, information, component, verbal, conception.

Кириш. Лингвокультурология лингвистика ва культурология уйғунлашуви натижасида юзага келган, тилда акс этган ва ифодасини топган, ўз семантикасида миллий-маданий маънони акс эттирадиган тил бирликларини ўрганувчи фандир. Лингвокультурологияда тилга маданиятнинг асосий умумлаштирувчи қисми ва жамоавий малакаларнинг бебаҳо хазинаси сифатида қаралади ҳамда маданиятнинг тилга, шунингдек, тилнинг инсон тафаккури ва дунёқарашига таъсирини ўрганиш назарда тутилади. В.В.Воробьевнинг таърифлашича, лингвокультурология синтезлашган типга мансуб мураккаб илмий йўналиш бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқ муносабатини тизимли методлар ёрдамида тил бирликларида акс этишини тадқиқ этадиган фандир [4:32].

Лингвокультурология фанининг объекти тилда акс этган маданий ахборот, маданият, унинг таркибий қисмлари ва тил воситасида ушбу маданиятни яратадиган кишилар преференцияси ташувчиси бўлган тилни тадқиқ этиш [10: 35]. Фаннинг мақсади эса тилда ўз вербал намоишини топган маданий майдонни тадқиқ этиш, таърифлаш ва тавсифлаш [7:13].

Лингвокультурология фани ҳозирги кунда жадал ривожланиб бормоқда. Унинг тараққиёти (В.В.Воробьев, В.Н.Телия, В.А.Маслова, Е.И.Шейгал) “тил ва маданият” муаммосининг долзарблиги билан изоҳланади. Фанда маданият тушунчасига қўллаб ёндашувлар бор. Кенг маънода маданият – бу “объект ва қатъий белгиланган тартиб-қоидалар йиғиндиси бўлиб, инсоннинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, олган билимлари, ўзликни англаш, дунёнинг рамзий маъноларини тушуниш ва билиш шакллариини ўз ичига олади” [4:47].

Асосий қисм. Н.Ш.Галлямова маданиятни инсонни инсон сифатида шаклланишининг асосий омили, усули деб ҳисоблайди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, тил ва маданият ўзаро чамбарчас боғланган: тил маданият негизида пайдо бўлади, ривожланади ва айнан унинг ифодаловчиси ҳамдир. Ҳар қандай маданият қатъий эмас, у ўзини ўраб турган муҳит билан ҳамоҳанг ва боғлиқ равишда доимо ҳаракатда ва ўзгаришда бўлади [10:19]. Бу ўринда, тил маълумотларни йиғиш, сақлаш, авлоддан авлодга етказиб бериш вазифасини бажаради. Шу сабабли, лингвокультурологияда тилни нафақат билиш ва коммуникация воситаси сифатида, балки аниқ бир халқнинг миллий маданияти калити сифатида ҳам қаралади. Бу қарашнинг назарий асослари В.Гумбольдт, А.А.Потебня ва бошқа тилшунослар асарларида ҳам белгилаб берилган. Масалан, В.Гумбольдт: “Миллатим тилининг чегараси менинг дунёқарашим чегарасини белгилайди”, - деб таъкидлайди. У ўз концепцияларида “шахс-тил-маданият” боғланмасини тасвирлаб беради. В.Гумбольдт назариясига кўра, тил – халқ руҳияти ва маданиятининг бебаҳо хазинаси бўлиб, халқ миллий маданиятини... шахснинг ички ва ташқи дунёси муносабатларини қамраб олади, шунинг учун ҳам ҳар бир тил ўзи тегишли бўлган халқ иродаси, дунёқарашини

ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, тил миллий қадриятларнинг асосий акс эттирувчиси сифатида миллатнинг дунёни кўриши, англаши ва идрок этишида кўзгу вазифасини ўтайди [6:8].

В.Гумбольдтнинг издошлари ишларида ҳам ушбу концепция давом эттирилган. Тилшунос олим Э.Сепир тил “маданиятнинг умумий ҳолда тараққий этишининг зарурий шарти ҳисобланади. Тил маданиятдан ташқари, алоҳида мавжуд бўла олмайди... Тил миллий маданиятнинг шаклланиши ва ривож топишига бевосита таъсир кўрсатиш қобилиятига эга” [17:223], “Маданиятни ўша жамият кишиларининг фикрлаш усуллари, хатти-ҳаракатлари йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин”, деб таъкидлаган [17:193].

В.фон Гумбольдтнинг сўзнинг ички тузилиши ҳақидаги қарашларини А.А.Потебня ўзининг “сўзнинг яқин ва узоқ маъноси” концепциясида ривожлантирди. Унинг фикрича, сўзнинг маъноси остида икки нарса ётади: бири тилшунослик доирасидаги маъноси – яқин маъно; иккинчиси бошқа фанлар предмети ташкил этувчи – узоқ маъноси [15:7-8]. Бу назарияга кўра, сўзнинг узоқ маъноси яқин маъносидан объект ҳақида тилдан ташқари, ҳаёлий ахборотни ифодалаши, сўзнинг миллий-маданий ўзига хослиги ва бирор лингвомаданий муҳит учун маданий аҳамият касб этиши билан фарқ қилади. Шундай қилиб, В.Гумбольдт, А.А.Потебня ва янги гумбольдтчилар мактаби намоёндалари (Вейсгербер Л., Сепир Э., Уорф Б) “инсон”, “тил” ва “маданият” тушунчаларини ўзаро боғлиқликда ўрганиб, тил инсоннинг ўз-ўзини ва дунёни англашида муҳим ва алоҳида ўрин эгаллашини қайд этадилар. Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан яна бири “Олам манзараси” тушунчасидир. “Олам манзараси” - бу умумий онгда тўпланган рамзлар ва тимсолларнинг яхлит бутунлиги бўлиб, инсоннинг янги дунёвий билимларни эгаллашига ва ўз тафаккури ва тасаввурини ривожлантиришига ҳисса қўшади ва инсон дунёқарашининг ядросини ташкил этиб, унинг турмуш тарзининг асосий ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради [15:160].

Когнитив ёки концептуал дунё тасвири “дунёнинг яхлит глобал рамзи” 914: 19], “маданият негизида пайдо бўлиб, онда акс этадиган стереотип ва концептосфералар жамланмаси” [13:52], “реаллик ҳақидаги интуитив (ички ҳиссий) қарашлар тизими” деб таърифланади. Концептуал дунё тасвири инсоннинг воқеликка асосланган билиш жараёни натижаси сифатида унинг дунё ҳақидаги тушунча ва қарашлари, когнитив малакаларини акс эттирадиган тартибга солинган ахборот ва билимлар тизими ҳисобланади. Концептуал олам манзараси “дунёнинг лисоний тасвири” орқали намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, концептуал дунё тасвири инсон онгидаги билимлар йиғиндиси бўлса, лисоний тасвир дунё тасвирини тил бирликлари ёрдамида вербаллаштиради. Лисоний олам манзараси муаммоси бир неча тилшунослар асарларида тадқиқ этилган (Ю.С.Степанов, С.Г.Воркачев, М.Л.Макаров,

А.Вежбицкая, З.Д.Попова ва бошқалар). М.В.Пименова лисоний дунё тасвирини “тилда акс этган дунё ҳақидаги билимлар жамланмаси, янги билимларни эгаллаш ва интерпретация қилиш усуллари” сифатида талқин этади [12:5]. Концептуал дунё тасвири ва лисоний дунё тасвири “ментал ҳодиса ва унинг тилда ифодаланиши ёки билиш мазмуни ва бу мазмунни очиб бериш воситаси сифатида” бир-бирига қатъий боғланган ва доимо ўзаро муносабатда бўлади [13:56], чунки лисоний структуралар концептуал дунё тасвирини яратишда бевосита иштирок этади [7:67].

Ҳозирги замон тилшунослигида дунёнинг концептуал ва лисоний тасвирлари билан бир қаторда “миллий олам манзараси” тушунчаси ҳам кенг қўлланмоқда. Маълумки, дунёдаги барча мамлакатлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ўтмиш тарихи, маданий ривожланиши ва турмуш тарзи жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, ҳар бир халқ дунёни ўз миллий маданияти ва менталитети кўзгуси орқали кўради, қабул қилади ва англайди.

Шу асосда тилда акс этувчи ўзига хос умуммиллий аҳамиятга эга ўз миллий дунё тасвирини яратади. Тил инсоннинг дунё ҳақидаги билимларининг шаклланиши, мавжуд бўлиши ва сақланишининг асосий воситаси сифатида дунёни тушуниш ва англашга хизмат қилади. Бу Р.М.Фрумкинанинг фикрича, айнан бир хил сўз ёки номларнинг турли кишилар онгида хилма-хил акс этиши (намоён бўлиши) билан боғлиқ. Фақат турли тиллар воқеа-ҳодисани хилма-хил концептуаллаштирмайди, балки айнан битта тилга хос сўз турли кишилар онгида хилма-хил концептларни ҳосил қилиши мумкин. Миллий “олам манзараси” бир миллат кишиларининг стереотиплашган вазиятларда, воқеа-ҳодисалар, мақол, ҳикматли сўз, афоризмларга муносабатларда миллийлик ва умумийликни касб этади.

Миллий олам манзарасининг вербаллашувида тил катта роль ўйнайди. Зеро, тил – бу маданият воситачиси, унинг тарқатувчисидир. Тил ўзида сақлаб келадиган миллий-маданий бойликларни авлоддан авлодга етказилади. Шунингдек, тилнинг инсон тафаккури ва дунёқарашига таъсирини ўрганиш назарда тутилади. “Олам манзараси” тушунчаси ҳам лингвокультурология фани учун аҳамиятли бўлиб, у умумий онда тўпланган рамзлар ва тимсолларнинг яхлит бутунлиги сифатида қаралади. Бундан ташқари, концептуал ва миллий дунё тасвири тушунчалари ҳам фарқланиб, улар дунёнинг лисоний тасвирида ўз аксини топади.

Юқорида кайд этганимиздек, лингвомаданиятшуносликни бугунги кунда тилшуносликнинг жадал ривожланаётган, тилда ўз ифодасини топаётган ва барқарорлашаётган халқлар маданиятини кишилар ўртасидаги муносабатларнинг муайян бир шакли сифатида тадқиқ қилинаётган янги йўналиш сифатида талқин қилиш мумкин. Н.М.Махмудовнинг ёзишича “лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу дунёни миллий тил призмаси орқали ўзига хос тарзда кўриш бўлиб, бунда тил алоҳида миллий менталликнинг ифодачиси сифатида иштирок этади. Бугун лингвокультурология рус ва бошқа хорижий

тилшуносликларида алоҳида лингвистик йўналиш сифатида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Вазифаси тил ва маданият, тил ва этнос, тил ва менталитет ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсиялаш ва ўрганишдан иборат бўлган бу йўналиш ўзбек тилшунослигида кўпроқ қиёсий аспектдаги изланишларда энди-энди бошланмоқда” [11:51]. Когнитив тилшунослик лисоний тафаккур фаолияти ва миллий менталитетни муайян шахсга, ижтимоий ёки этник гуруҳларга хос бўлган ҳамда ондаги когнитив стереотиплар мажмуасига тегишли бўлган, борлиқни идрок қилиш ва тушунишнинг ўзига хос воситаси деб қарайди [13:65].

Ижтимоий онгнинг шаклланиш омилларини таҳлил қилиш турли маданиятларнинг ўзаро муносабатларини ва ўзаро тушуниш механизмларини тадқиқ қилиш имкониятларини вужудга келтирди. Бу тилшуносликда тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларининг тадқиқ қилинишига асосланган янги тадқиқотларнинг пайдо бўлишига қилинишига туртки бўлди. Тилда лисоний онг ва маданий қадриятлар (жумладан маданий категориялар ва қурилмалар) объектив олам тасвирининг ментал моделлари кўринишида акс этади ва ифодаланади. Шу асосда, тилда маданий анъаналар контекстига таянилган ҳолда оламни миллий идрок қилиш ва тушуниш категориялари шаклланади.

Когнитив тилшунослик табиий ва гуманитар фанлар билан ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини хорижий ва ўзбек тилшунослари томонидан таъкидланган. Ш.С.Сафаровнинг фикрича, когнитив тилшунослик “худди шундай соҳалараро мулоқотнинг маҳсулидир. Бундай мулоқотнинг тез, осонгина, ихтилофларсиз кечиши қийин. Шу сабабли когнитив тилшуносликнинг мустақил йўналиш сифатида таркиб топиши ҳам мураккаб жараён, лисондек ўта мураккаб тадқиқ объектини танлаган ҳар қандай фан соҳасининг мураккабмуаммолар камровида қолиши ҳам муқаррар” [16:5].

Профессор Д.Ашурова ўз мақоласида когнитив тилшуносликнинг мақсад ва вазифалари, ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларни кўрсатиб ўтади. Шу жумладан, ҳозирги даврда шаклланиб бораётган когнитив тилшуносликнинг когнитив фонология, когнитив грамматика, когнитив лексикология, когнитив семантика каби янги йўналишлари вужудга келганлигин таъкидлайди. Когнитив ёндашув асосида сўз туркумлари, тил бирликларининг категорияларга бўлиниши ва концептуализациялашуви, тил ва дунёни билиш каби тушунчалар янги талқинларга эга бўлади [2:41-45].

Профессор А.А.Абдуазизовнинг фикрича, когнитив тилшунослик “ўзаро бир бирлари билан боғлиқ бўлган когнитив фонология, когнитив грамматика, когнитив семантика” йўналишларини ўз ичига олади [1:5]. Когнитив тилшуносликнинг бугунги кун тараққиёти босқичида концептуал таҳлилнинг кўплаб муаммолари ҳал қилинмоқда, инсон онгини тадқиқ қилиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. С.Г.Тер-Минасованинг қайд этишича, когнитология тилшунослик билан бирлашиб, бутунлай янги тадқиқот йўналиши – когнитив тилшунослик фанига асос солди. Бундай бирлашув идрок қилиш, тилни эгаллаш ва уни қайта ишлаш, режалаштириш, муаммони ечиш, фикрлаш, ўргатиш, эгаллаш, тақдим қилиш ва билимларни амалда қўллаш каби масалаларни когнитология фанининг асосий текширув объекти қилиб белгилади [19:38].

Лингвокогнитологик тадқиқотлар типологик хусусиятга эга ва ментал тасаввурлар шаклланишининг умумий қонуниятларини аниқлашга йўналтирилган. Бу борада изланишлар олиб боровчи тадқиқотчиларнинг қизиқишлари ментал бирликлар таркибидаги ўзига хосликларни аниқлашга ва конкрет маданий

концептларни ажратиш, фарқловчи белгиларни системали баён қилишга мўлжаллангандир [3:43-44, 17; 20:170].

С.Г.Тер-Минасова ҳозирги замон когнитив тилшунослигида шаклланган илмий йўналишларни таҳлил қилар экан улардаги икки асосий-лингвокогнитив ва лингвомаданий ёндашувларни фарқлайди. Когнитив тилшунослик негизда ривожланган лингвомаданиятшунослик тил ва маданиятнинг мураккаб ва кўп аспекти ўзаро муносабатларини тадқиқ қилади. У маданият ва тилнинг ўзаро боғлиқликда ва бир-бирига таъсири жараёнида фаоллашадиган имкониятларни, бу жараёнда қулланилган лисоний ва нолисоний (маданий) бирликлар мазмунини яхлит структуралар сифатида системага солинган методлар орқали ва маданий қонун-қоидаларга таянган ҳолда ўрганади. Лингвомаданиятшунослик фаолият жараёнини акс эттиради, реал борлиққа ва турли хил маданиятларга фаол муносабат билдиради, чунки турли тиллар ўзига хос миллий бўёқдорликка эга [19:6].

Лингвомаданиятшунослик миллий концептосферанинг ўзига хос хусусиятларини маданиятдан онга ўтиш жараёнида тадқиқ қилади. Бу борада илмий изланишлар олиб борган рус олимлари Ю.С.Степанов, В.И.Карасик, В.В.Красных, С.Г.Тер-Минасова, В.В.Маслова, Н.Ф.Алефиренко ва ўзбек олимлари Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, Н.М.Махмудов, А.М.Маматов, У.К.Юсупов, Н.М.Джусупов, Д.Худайбергенова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса. Юқорида номлари тилга олинган тадқиқотчилар оламни билиш асосида юзага келадиган ментал ахборотлар, воқелик концептуал идрокини таъминлайдиган концептлар ётиши ҳақидаги

фикрларида бир хил қарашларга эгадирлар. Концептосферани лингвокогнитив ёндашув асосида ўрганиш натижасида унинг майдон модели шакллантирилади, бу майдон ядро ва сарҳаддан иборат бўлиши аниқланади. М.Р.Галиеванинг таъкидлашича, бундай ёндашув вакиллари қаторига Е.С.Кубрякова, З.Д.Попова, И.А.Стернин, В.Н.Телия ва бошқаларни киритиш мумкин [5:17].

Тилшуносликнинг лингвокультурология йўналиши қатор тадқиқотларда қайд этилишича, тилнинг кумулятив функциясига таянади, у орқали муайян бир халқнинг турмуш тажрибалари, олам ҳақидаги тасаввурлари ва оламни билишдаги ҳис-туйғулари лисоний бирликларда ўз аксини топади ва авлоддан авлодга ўтади. Бу концепцияга мувофиқ, тил оламни концепциялаштиришнинг ва инсон тажрибаларини умумлаштиришнинг, олам ҳақидаги билимларни, инсоният ҳаётидаги ижтимоий муҳим тарихий ҳодисаларни сақлашнинг дастлабки шакли сифатида талқин қилинади.

Е.С.Кубрякова тадқиқотларини анъанавий когнитивизм (билим структураларини ва уларнинг турларини, асосан мантикий методлар орқали ўрганиш) ва ҳозирги замон тилшунослигининг мантикий ривожланишини когнитив-дискурсив йўналишларда олиб боришни таъкид қилади: ҳар қандай икки лисоний ҳодисакогниция ва коммуникацияўқнашувида амалга оширилсагина адекват баён қилинган ва тўлиқ тушунилган ҳисобланади; когнитив тилшуносликнинг мақсади “нафақат ҳар бир лисоний шаклга ўз этиборини қаратиш, унинг когнитив нусхасини кўчириш концептуал ёки когнитив структураларини ўрганиш эмас, балки берилган мазмун учун бундай “қолип”ни танлаш ёки унинг вужудга келиш сабабларини аниқлашдир” [8:16].

Адабиётлар

1. Абдуазизов А. О составных частях когнитивной лингвистики. // Хорижий филология. -Т.: 2007, №3. –С. 5-6.
2. Ашурова Стилистика текста в парадигме когнитивной лингвистики // Филология масалалари. – Тошкент: 2003. №1.
3. Воркачев С. Г. Оценка и ценность в языке: Избранные работы по испанистике: монография. -Волгоград: «Парадигма», 2006.
4. Воробьев В.В. Лингвокультурология. -Москва: Издательство РУДН, 2008. –С. 340.
5. Галиева М.Р. Концептуальная значимость религиозных антропонимов в художественном тексте// Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Ташкент: 2011. – С. 69-71
6. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. –Москва: Прогресс, 1984. –С. 398.
7. Красных В. В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. Москва: ИТДГК Гнозис, 2002. –С.284.
8. Кубрякова Е. С. Язык и Знание: На пути получения знаний в языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. Москва: Языки славянской культуры, 2004. –С. 560.
9. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем//Теория метафоры/Под ред. Н.Д. Арутюновой. –М.: Прогресс, 1990.
10. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. – Москва: Флинта. – Наук, 2007. – С. 296.
11. Махмудов Н.М. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2012. № 5. 50-55-б.
12. Пименова М. В. Методология концептуальных исследований // Вестн. КемГУ. Сер. Филология/Ред. М. В. Пименова, Кемерово: 2002. №4 (12). – С. 100-105.
13. Попова З. Д., Стернин И. А. Когнитивная лингвистика. – Москва: Издательство АСТ, Восток-Запад, 2007. -315 с.
14. Посталова В.И. Лингвокультурология в свете антропоцентрической парадигмы//Фразеология в контексте культуры. – Москва: Язык русской культуры, 1999. – С 23-25.
15. Потебня А. А. Слово и миф. – М.: «Правда», 1988. –С. 624.
16. Сафаров С.Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Санзор”, 2006. 90- б.
17. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. / Под ред. А.Е.Кибрик, – М.: «Прогресс», «Универс», 1993.
18. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: «Наука», 1996. –С. 288.
19. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – Москва: «Слово», 2000. –С. 624.
20. Stolova I. Natalya. Cognitive Linguistics and Lexical Change. Motion Verbs from Latin to Romance/Current Issues in Linguistic Theory Amsterdam Studies in the Theory and History of Linguistics Science – Series IV. – Philadelphia: John Benjamins’ B.V., 2015. –Р. 272.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақоланинг долзарблиги мазкур иш тилшуносликнинг замонавий йўналишлари – когнитология ва лингвомаданиятшунослик нуктаи назаридан бадий матн маълум бир лингвомаданиятни акс эттирувчи маданий бирлик сифатида ўрганилиши муҳимлиги билан белгиланади. Лингвокультурология ўз семантикасида миллий-маданий маънони акс эттирадиган тил бирликларини ўрганувчи фандир деган хулосага келинди.

РЕЗЮМЕ. Актуальность данной статьи определяется важностью изучения художественного текста как единицы культуры, отражающей определенную лингвокультуру с точки зрения современных тенденций лингвистики - когнитологии и лингвокультурологии. Был сделан вывод, что лингвокультурология - это изучение языковых единиц, отражающих национально-культурное значение в своей семантике.

SUMMARY. The actuality of this article is determined by the importance of studying the literary text as a cultural unit that reflects a particular linguistic culture from the point of view of modern trends in linguistics - cognitology and linguocultural studies. It was concluded that linguoculturology is the study of linguistic units that reflect national-cultural meaning in their semantics.